

# УСТЮРТ ПАЛАТОСИ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ЭЧКИЛАР ЖУН МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ ЯЙЛОВ ҲУДУДЛАРИГА БОҒЛИКЛИГИ

**Kaniyazova Fatima Ubbiniyazovna**, 3-bosqich doktorant.

*Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Устюрт палатоси шароитида маҳаллий эчкилар жун маҳсулдорлигининг яйлов ҳудудларига боғликлиги ўрганилиб, ҳудулар кесимида жун маҳсулдорлигининг фарқланиши ва юқори маҳсулот етиштиришда яйловлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар.** Устюрт палатоси, маҳаллий эчкилар, жун маҳсулдорли, яйлов ҳудудлари, тавсиялар

**Abstract.** This article examines the dependence of wool productivity of local goats on pasture areas in the conditions of the Ustyurt plateau. The study explores differences in wool productivity across regions and provides recommendations for pasture utilization to achieve high yields.

**Keywords.** Ustyurt plateau, local goats, wool productivity, pasture areas, recommendations

**Кириш.** Маҳаллий эчкилардан маҳсулот етиштириш, айниқса Устюрт платоси шароитида маҳсулот етиштиришнинг очилмаган кирралари жуда кўпдир [2.Б.101-103]. Устюрт платоси шароити бу кўчманчилик асосида олиб бориладиган шароит ҳисобланиб, бир яйловдан иккинчи яйловга кўчиришни тақоза қилиади. Бунда яйлов ўсимликлари ҳосилдорлиги, турлари, муҳим ҳисобланиб, улардан фойдаланиш муддатлари аниқлаш ва яйловларни доимий алмаштириш зарур. Бу эса ўз навбатида эчкиларнинг биринчидан маҳсулдорлигини ошириш бўлса, иккинчидан яйловлардан оқилона фойдаланишdir. Бундай ҳолат айрим ярим бута ўсимликларининг донлаш fazасини ўташига имкон яратади ва яйлов ўсимликлар зичлиги ошади [1.Б.89-90].

Маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги бир қатор омилларга боғлик бўлиб, яйлов ҳудудлари, эчкилар туғим ёши, жинси ҳайвонларнинг физиологик ҳолати, уларни сақлаш ва қўшимча озиқлантириш технологияси билан боғлик бўлади [3.Б.128]. Шуни қаттиян айтиш мумкинки, эчки жунига айниқса, тивитига талаб ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлигини Устюрт платосининг яйлов ҳудудларига боғлик ҳолда аниқлаш мақсад қилинган.

**Тадқиқот натижалари.** Маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги уларни май ойи бошларида қирқим ўтказиш даврида, қирқиб олинган жунни якка тартибда тарози тортиш орқали аниқланди. Жуннинг табиий узунлиги бел бўлими, қорин бўлими ва курак бўлимида қирқиб олинган жун намуналарин метал линейка аниқланди.

Биз тажриба ишларимизда Устюрт платосининг яйлов худудларига боғлик ҳолда маҳаллий эчкилар жун маҳсулдорлигини аниқланган бўлиб, ушбу маълумотлар қуидаги 1-жадвалда умумлаштирилди.

### 1-жадвал

#### Жун маҳсулдорлигининг яйлов худудларига боғликлigi

Худудлар	Жинси	n	Жун қирқими, г	Тебраниш
			$X \pm S_x$	
Устюртнинг шимолий ҳудуди	♂	11	897,6±82,4	823-921
	♀	75	801,8±76,9	759-836
Орол бўйи ҳудудлари	♂	13	785,4±77,4	701-812
	♀	69	709,5±68,2	679-765
Устюртнинг жанубий ҳудуди	♂	14	854,4±83,8	802-889
	♀	53	769,6±73,7	732-796
Барча ҳудудлар бўйича	♂	38	845,8±83,1	701-921
	♀	197	760,3±75,6	679-836


1-жадвал маълумотлари таҳлилидан шуни айтиш мумкинки, маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги яйлов худудларига боғликлик бўлиб, Бизнинг тажриба ишларимиз давомида Устюрт платосининг “Устюртнинг шимолий ҳудуди”, “Орол бўйи ҳудудлари” ва “Устюртнинг жанубий ҳудуди” да урчитиладиган маҳаллий эчкилар жун маҳсулдорлиги ўрганилди. Ҳудудлар кесимида така ва урғочи эчкилар жун маҳсулдорлигига фарқланишлар кузатилиб, Устюртнинг шимолий ҳудуди такалардан қирқиб олинган жун микдори  $897,6 \pm 82,4$  ( $n=11$ )-ни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич урғочи эчкиларда  $801,8 \pm 76,9$  грамм-га teng бўлди. Айтиш мумкинки, эркак ҳайвонлар жинс диформациясида урғочи ҳайвонларга нисбатан устунлик қилиб, ушбу устунлик 98,0 граммни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич Орол бўйи ҳудудларидаги яйловларда сақланган эчкиларда шунга мос равишда такаларда  $785,4 \pm$  грамм ва урғочи эчкиларда  $709,5 \pm$  грамга teng бўлди. Бундай кўрсаткич Устюртнинг жанубий ҳудудида урчитиладиган эчкиларда хам кузатилиб, шунга мос равишда  $854,4 \pm 83,8$  ва  $769,6 \pm 73,7$  граммга teng бўлди. Жун маҳсулдорлигининг яйлов худудларига боғликлиги кузатилиб, юқори

кўрсаткичлар Устюртнинг шимолий ҳудудида қайд этилди. Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, Устюрт платосининг шимолий ҳудуларида яйлов ҳосилдорлиги юқори ҳисобланади. Бунга асосий сабабларнинг бири ушбу ҳудудда ёғингарчилик миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан кўп бўлиб, бир йиллик ўсимликлар эчкилар учун қулайли озуқа ҳисобланади. Ушбу ҳудудда эчкилар ёз давомида сақланади ва қуз фаслининг ўрталарида жанубий ҳудуд ҳисобланган Устюртнинг жанубий ҳудудига ҳайдаб ўтилади.

Ўрганилаётган ҳудудларда маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги орасида фарқни аниқлаш ва яйлов ҳудудларидан самарали фойдаланиш мўхим ҳисобланади. Шу боис, маҳаллий эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги яйлов ҳудудлари кесимида фарқланишлар аниқланди ва ушбу маълумотлар 1-расмда келтирилган.

### 1-расм

#### Устюрт платосининг ўртача кўрсаткичига нисбатан ҳудудларда жун маҳсулдорлигининг фарқланишиши, %



1-расм маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, Устюрт платосининг яйловлари ўртача кўрсаткичидан Устюртнинг шимолий ҳудуди яйловлари сақланган маҳаллий урғочи эчкилардан 5,5 % ва такалардан 6,1 % кўпроқ жун маҳсулдорлиги аниқланган бўлса, Орол бўйи ҳудудларида урғочи эчкилардан 6,7 % ва такалардан 7,2 % камроқ жун маҳсулдорлиги қайд этилди. Устюртнинг жанубий ҳудудларида эса ушбу кўрсаткич урғочи эчкиларда 1,2 % ва такаларда 1,1 %-га teng бўлди. Жун

маҳсулдорлиги албатта яйлов шароитлари билан боғликлиги исбот қилинган ҳолда, маҳаллий эчкилардан мумкин қадар кўпроқ жун маҳсулотлари етиштириш мақсадида Устюрт палатоси яйлов шароити худудларида режалашган тизимда экиласни сақлаш тавсия қилинади.

**Хулоса.** Устюрт палатоси шароитида маҳаллий эчкилар жун маҳсулдорлигининг яйлов худудларига боғлик бўлиб, яйловлардан оқилона фойдаланиш мақсадида эчкиларни сақлашни режалаштириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Айимбетов Н.К., Тлеумуратова Б.С. Растительной покров приморской полосы плато Устюрта. Конференция. Динамика и потенциал природной среды Каракалпакстана. Нукус. 2017. С.89-90.

2. Бегжанова. Г.Т. Современное состояние пастбищ плато Устюрт. Теория и практика современной науки. №6 (48) С.101-103.

3. Торешова А.У., ва бошқ Қорақалпоғистон маҳаллий эчкиларининг маҳсулдорлик хусусиятлари. Монография Toshkent: “INNOVATSIYA ZIYO”, 2024. – 128 b.